

Отангизни қанчалик биласиз?



14:19 / 28.10.2025 1441

Ҳозирги кунда кўпчилик ёшлар ўзи ёқтирган машҳурларнинг ҳаётини қизиқиб ўрганади. Масалан, спортчи ёки машҳур қўшиқчиларни қачон, қаерда туғилгани, нима овқатни ёқтириши, хоббиси ҳақидаги маълумотларни икир-чикиригача билади. Лекин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин муҳаббат қўйишга энг лойиқ зотлар, ўзининг дунёга келишига сабабчи бўлган ота-онаси ҳақида кўп маълумотга эга бўлмайдилар. Аслида, кишининг ўхшашга интилган кишиси ота-онаси ва устозлари бўлиши керак, шундай эмасми?! Зотан, улар феъл-атворларини ўрганишингиз ва яхшилик қилишингизга энг муносиб кишилардир. Сиз ота-онангизни қанчалик яхши биласиз? Бу ҳақда ўйлаб кўрганмисиз? Қуйида баъзи саволларни келтириб, жавобни ўзингизга қолдирамиз. Ундаги бўшлиқни тўлдириб, ота-онангиз ҳақида қисқача маълумотларни ўзингиз учун ёзиб қўйсангиз, келгусида уларга хизмат қилишда ва кўнгилларини

янада кўтаришда қўл келади, иншааллоҳ!

1. Отангиз нимадан кўпроқ хурсанд бўлади?
2. Нимадан кўпроқ хафа бўлади?
3. Кимни ва нимани кўпроқ яхши кўради?
4. Энг якин дўсти ким?
5. Қайси таомни ёқтиради?
6. Қайси рангни ёқтиради?
7. Қандай кийимларни ёқтиради?...

«Қиблагоҳ» китоби асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2025 йил 16 январдаги 02-07/296-сонли хулосаси асосида тайёрланди.